



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 14 ноябрь, № 229 (6923) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Фойдали қазилмалар халқимиз манфаатларига хизмат қилсин

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 13 ноябрь кунги геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш, минерал-хом ашё ва қимматбаҳо металл ресурслар базаси ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якуналари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолияти самарадорлигига алоҳида эътибор қаратиб, соҳада ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги фабрикалар қуриш бўйича вазифалар белгилаб берган эди.

Шунга мувофиқ, ер қаърини комплекс геологик ўрганиш ҳамда узоқ истиқболга мўлжалланган минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ишлари янги босқичга чиқди. Жорий йилнинг ўзида Президентнинг соҳага оид беш қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 24 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида янги геология хизмати ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, соҳада янги тизим яратилди.

Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида янги давлат сиёсатини амалга ошириш, кончилик муносабатларини бошқариш, минерал-хом ашё базасини жадал ривожлантириш ва қайта

тўлдирилишини таъминлаш, хом ашёнинг янги турлари ва конларини қидириш, геология-қидирув ишларига замонавий услуб ва юқори технологияларни жорий қилиш, кадрлар малакасини ошириш Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг асосий вазифалари этиб белгиланди. Навоий кон-металлургия комбинатининг "Қимматбаҳо металл ва уран геологияси" илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда Олмалик кон-металлургия комбинатининг "Раңгли металлургия геологияси" илмий-ишлаб чиқариш маркази қўмитанинг вазифага ўтказилди. Бугунги кунда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси таркибиде 32 ташкилот 4 йўналиш бўйича фаолият юритмоқда.

Қўмитанинг вазифа ва вазолатлари кенгайтириш, янги конлар топиш ва захираларни кўпайтиришга қаратилган салоҳияти ошди. Геологик ўрганилаётган фойдали қазилма турларининг сони 12 дан 35 га етди.

Геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида соҳа изчил модернизация қилинмоқда. Лаборатория-тахлил ускуналари янгиланмоқда. Масалан, илгари руда таркибидеги 32 элемент аниқланган бўлса, янги замонавий технологиялар самарасида бугунги кунда 74 фойдали модда аниқланмоқда.

Илгор хорижий тажрибани ўрганиш асосида геология-қидирув жараёнига 2018 йилдан аэрогеофизик усул ва ускуналарни жорий

қилиш режалаштирилган. Бу истиқболли геологик ресурсларни юқори аниқликда белгилаш имконини беради.

Бироқ ҳали соҳа олдида қатор долзарб масалалар мавжуд. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш, муҳофаза қилиш ва бошқаришга масъул орган этиб белгиланганига қарамастан, унинг фаолияти геология-қидирув ишларини бажариш билан чегараланиб қолмоқда.

Йиғилишда геология соҳасининг бугунги ҳолати танқидий таҳлил қилинди. Ер қаъридан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш ва кончиликни бошқаришда аниқ механизм мавжуд эмаслиги, бу соҳага етарлича эътибор берилмагани кўрсатиб ўтилди. Бу соҳада илгор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг бутунлай янги тузилмаси ва йўналишларини ишлаб чиқиш, салоҳиятини, ошириш зарурлиги таъкидланди.

2017 — 2021 йилларга мўлжалланган минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастури доирасида геология-қидирув ишлари жадал асосида амалга оширилмоқда. Жорий йилда Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан 13 кон бўйича захиралар тасдиқланиб, санаотда ўзлаштиришга тайёрланди. Йил охиригача яна 13 кон

бўйича захиралар тасдиқланиши режалаштирилган.

Президентимиз тоғ-кон саноатининг узоқ муддатли истиқболларига, соҳанинг ҳудудларда саноатни ривожлантиришдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратди. Тармоққа чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш, фойдали қазилмаларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш ҳажмини ошириш, янги қорхоналар ташкил этиш ва иш ўринлари яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мутасадди вазирлик ва ташкилотларга минерал-хом ашё базасини ривожлантириш дастурини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш топширилди.

Йиғилишда соҳадаги йирик муассасалар — Навоий кон-металлургия комбинати ва Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан амалга оширилган лойиҳалар илгор асосида ҳам эътибор қаратилди.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган дастурга мувофиқ, 2017 — 2026 йилларда Навоий кон-металлургия комбинатида 27 лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Қиймати 3 миллиард 63 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳалар натижасида 2026 йилга бориб ишлаб чиқариш ҳажми 30 фоиз ошади. Қўшимча 31 мингта янги иш ўринлари яратилади.

Ушбу муҳим лойиҳаларни ишончли электр энергияси билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш зарурлиги қайд этилди.

Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан умумий қиймати 2 миллиард 720 миллион доллардан ошиб 18 инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. "Ешлик-1" ва "Ешлик-2" конлари-

ни ўзлаштириш, "Самарқўки" ер ости конини қуриш ва Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида цемент заводи барпо этиш улар орасида энг муҳимларидир.

Йиғилишда "Ешлик-1" ва "Ешлик-2" конларини ўзлаштириш янада тезлаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ташрифлари чоғида геология соҳасига доир саксонга яқин вазифалар белгиланган. Жумладан, ер ости сувлари захираларини кескин кўпайтириш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, Ангрэн ва Олмалик ҳудудларида фойдали қазилма базасини кенгайтириш ва конларни санаотда ўзлаштириш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Мутасаддиларнинг бу борадаги ҳисоботлари эшитилди.

Кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Соҳани замонавий мутахассислар билан таъминлаш учун Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузурида ихтисослаштирилган олий таълим муассасаси ташкил этиш, унда илмий изланишларга катта аҳамият қаратиш, ишлаб чиқариш қорхоналари ва таълим тизими ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда геология-қидирув ишларини илгор технологиялар асосида ташкил этиш, ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланиш, соҳанинг иқтисодий-иқтисодий салоҳиятини янада ошириш масалалари таҳлил қилинди. Вазирлик, қўмита ва комбинатлар олдида турган долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИИЙ ГАЗ НАЗОРАТИ ВА ҲИСОБИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юрйтиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5059-сон Фармониға мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги Ф-4979-сон фармойиши билан ташкил этилган Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини янада жорий этиш юзасидан тақлифлар тайёрлаш бўйича Ишчи комиссия (кейинги ўринларда Ишчи комиссия деб юритилади) томонидан "Sagemcom" (Франция Республикаси), "Elster GmbH" (Германия Федератив Республикаси), "Landis & Gyr" (Швейцария Конфедерацияси) компаниялари ва "Toshelectroapparat" МЧЖ ХК (Ўзбекистон Республикаси) билан Ўзбекистон Республикасида электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳасини (кейинги ўринларда Лойиҳа деб юритилади) амалга ошириш юзасидан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ишчи комиссиянинг Лойиҳа доирасида дастлаб 2 миллион дونا электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек, дастурий таъминот, қўшимча асбоб-ускуна, бошқа зарур техник воситаларини (кейинги ўринларда ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситалар деб юритилади) "Sagemcom", "Elster GmbH" компаниялари ва "Toshelectroapparat" МЧЖ ХКдан истисно тариқасида тендер савдоларини ўтказмасдан харид қилиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Белгилансинки, Ишчи комиссиясининг қарорига асосан, "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ Лойиҳа доирасида ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни мазкур қарорнинг 14-бандига мувофиқ уларни республикада ишлаб чиқариш йўлга қўйилгунга қадар ушбу бандда кўрсатилган ишлаб чиқарувчилардан қўшимча харид қилиши мумкин.

3. Ишчи комиссия (Ж. А. Кўчқоров) "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳа бўйича "Sagemcom", "Elster GmbH" компаниялари ва "Toshelectroapparat" МЧЖ ХК билан яқуний музокаралар ўтказилиши ва контрактлар (кейинги ўринларда контрактлар деб юритилади) тузилишини ташкил этсин. "Ўзтрансгаз" агентлиги музокаралар якунига қадар Лойиҳа доирасида ўрнатилган ҳисобга олиш ускуналарининг турларига нисбатан техник талабларни тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тузиладиган контрактларни, шу жумладан, ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситалар, хизматларнинг қийматини ишлаб чиқарувчиларнинг айнан шундай лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажрибаси ва ишчанлик обрў-эътиборига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ҳар томонлама экспертизадан ўтказсин.

5. Лойиҳа доирасида қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жағрамасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ томонидан қайта молиялаштирилган, 5 йиллик имтиёзлик давр ва қайта молиялаштирувчи банкнинг 0,2 фоиз маржасини ўз ичига олган йиллик ставкаси 2 фоиз бўлган 10 йил муддатга ажратилган маблағлар — контрактлар бўйича ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни, шунингдек, хизматларни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг; "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖнинг маблағлари — қурилиш-монтаж ишларини, маҳаллий товарлар ва хизматларни харид қилишнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

(Давоми 2-бетда).

## Марказий Осиё: УМУМИЙ КЕЛАЖАК УЧУН МАСЪУЛИЯТ



INTERNATIONAL CONFERENCE ON SECURITY AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT IN CENTRAL ASIA

ISAMARKAND 2017

Самарқанд шаҳрида ташкил этилган "Марказий Осиё: янги тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференция жаҳон ҳамжамияти, дунё сиёсий доираларида катта қизиқиш билан қутиб олинди. Форум иштирокчилари мазкур тадбир ҳақи равишда тарихий аҳамиятга эга эканлигини ҳамда минтақавий ҳамкорликда принципал жиҳатдан янги саҳифа очганини алоҳида таъкидлашди.

Халқаро анжуманда БМТ, ЕХТТ, Европа иттифоқи, ШХТ, МДХ раҳбарияти, Марказий Осиё мамлакатлари, Афғонистон, АҚШ, Европа давлатлари, Россия, ХХР, Туркия, Эрон, Хиндистон, Покистон, Япония, Жанубий Корея делегатлари, олимлар, жамоатчилик ва давлат арбоблари қатнашди.

Минтақадда хавфсизлик ҳамда барқарор тараққиёт, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий, сув-энергетика, экологик ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалаларига бағишланган 70 дан зиёд маърузалар тинланди.

Давлатимиз раҳбари конференция очилишидаги нутқиде минтақадда тинчлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳамда хавфсизлик муҳитини қарор топтиришни аҳамияти нечоғли катта эканлигини яна бир марта таъкидлади. "Умумий аҳолиси 70 миллиондан ортиқ бўлган минтақамизнинг келажги бугунги кунда Марказий Осиёнинг ҳар

бир давлати томонидан барпо этилмоқда, — деди Президентимиз. — Бизнинг бош мақсадимиз — умумий саъй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққиёт этган минтақага айлантиришдан иборат".

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар халқаро ҳамжамият, энг муҳими, қардош қўшниларимиз — Қозғоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди. Айниқса, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг доимий маслаҳатлашув учрашувларини ташкил қилишга доир тақлиф, халқаро анжуман иштирокчилари фикрича, энг долзарб масалалар бўйича "соатларни тўғрилаб олиш" ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш бўйича истиқболдаги қадамларни белгилаш имконини беради.

Халқаро конференция қатнашчиларининг эътирофи эътиҳа, Ўзбекистон раҳбарининг Минтақавий

иқтисодий форум, Марказий Осиё давлатларининг ҳудудлар раҳбарлари (хоқимлари) ҳамда бизнес ҳамжамиятининг ассоциациясини таъсис этиш, транспорт-логистика салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш, "яқин хавфсизлик" тамойилига амалда риоя қилиш, давлат чегараларини делимитация ва демаркациялаш жараёнини тезда ҳамда узил-кесил якунига етказиш бўйича тақлифлари савдо-иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари Марказий Осиё мамлакатлари минтақадда сув ресурсларидан адолатли фойдаланиш муаммосини имкон қадар тезроқ тартибга солиши, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқалар, дўстлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Анжуман иштирокчилари фикрига кўра, ушбу ташаббусларнинг ҳаётга таъбиқ қилиниши минтақадда осойишталик ва тараққиётга эришишда муҳим қадам бўлади. Қайд этилганидек, бугунги кунда Марказий Осиё дунё ҳамжамияти учун тобора очиб бўлиб бормоқда. Ҳамкорлик учун янгидан-янги имкониятлар пайдо бўлаётди. Сиёсий мулоқотлар жаддалашаяпти. Мисол учун, шу йилнинг бошидан бери Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё раҳбарлари билан олий даражада 16 та учрашув, 18 марта телефон мулоқоти ўтказди, учта давлат ташрифи ҳамда икки марта амалий ташрифи амалга оширди.

(Давоми 2-бетда).

## Инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг муҳим кафолати

Инсон, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқи ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади. Мамлакатимиз Конституциясида умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, бу қоида кафолатланганлиги белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, юртимизда ислохотларнинг дастлабки босқичидаёқ, инсон ҳуқуқлари устуворлиги принципига таянган ҳолда, миллий ҳуқуқий тизим барпо этилди. Ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳам истиқбол йилларида халқимиз эришган энг катта ютуқлардан бири бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Асосий Қонунимизда ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи мустаҳкамлашни баробарида, давлат томонидан уни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш-

нинг кучли механизми яратилиши кўзда тутилган. Бу каби тадбирлар нафақат жиноятчиликнинг олдини олиш ёки унга қарши кура-

### ДЕПУТАТ ФИКРИ


ришмоқда. Бунинг учун соғлиқни сақлашнинг янги тизими яратилган бўлиб, у давлат, хусусий ва бошқа тизимлардан иборат. Шу билан бирга, инсон ҳаётини муҳофаза қилишга доир жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қораларнинг пухта тизимига эга бўлди. Масалан, Жиноят кодекси нормаларида бевосита фуқароларнинг ҳаётига зиён етказганлик учун ўки бу даражада жавобгарлик белгиланган.



(Давоми 3-бетда).

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

# Глобал тадбиркорлик ҳафталиги



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Тошкент, Самарқанд ҳамда Фарғона шаҳарларида Глобал тадбиркорлик ҳафталиги тадбирлари бошланди.

Халқаро бизнес ва технологиялар ассоциацияси (АМБИТ), Ўзбекистондаги Глобал тадбиркорлик тармоғи (GEN Uzbekistan), Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур ҳафталик доирасида юртимиздаги ёш ишбилармонларни ўзаро бирлаштириш, уларга бизнесни ривожлантиришнинг замонавий ва халқаро амалиёти ҳақида маълумотлар бериш, Ўзбекистонда бизнес соҳасини янада тараққиёт топтириш учун истиқболли тақлифлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Тадбирнинг расмий очилиш маросимида Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ас-

носиде мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилётгани таъкидланди. Ушбу жараёнда ёшларнинг ғоя ва ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани уларни руҳлантириб, юртимиз тараққиёти, ҳаётимиз фаровонлигига ҳисса қўшишга қўшмоқда.

— Глобал тадбиркорлик ҳафталиги жаҳоннинг 160 дан ортиқ мамлакатларида ўтказиб келинапти, — дейди Халқаро бизнес ва технологиялар ассоциацияси ижрочи директори Шухрат Азмов. — Ҳафталикнинг ишчи дастури алоҳида-алоҳида мавзуларга бағишланган олти кунни қамраб олган.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИЙ ГАЗ НАЗОРАТИ ВА ҲИСОБИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

6. Белгилаб қўйилсинки: 2020 йил 1 январдан Лойиҳанинг амалга ошириш муддатига 1 кВт/соат электр энергияси учун 15 сўм, 1 м. куб табиий газ учун 17 сўм (республикада реализация қилинадиган) микдорда заруратга қўра индексация қилинадиган ҳамда фақатгина Лойиҳа доирасида Жамғарманинг жалб этилган маблағларини қоплашга ҳамда бошқа харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган инвестициявий устама жорий этилади; Лойиҳа доирасида ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатишда кейинчалик уларни давлат кўригидан ўтказган ҳолда сертификация ишларини олиб бориш белгиланган тартибда "Ўзстандарт" агентлиги томонидан амалга оширилади; ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатишда пломбалаш "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда Бюро деб ўрилади) ваколатли ходимлари томонидан амалга оширилади; Лойиҳа доирасида ўрнатиладиган ҳисобга олиш ускуналарининг давлат кўриги "Ўзстандарт" агентлиги томонидан ҳар 10 йилда амалга оширилади. Бунда ҳисобга олиш ускуналарини давлат кўригига топшириш бўйича ишларни ташкил этиш "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ ва Бюро томонидан таъминланади; истеъмолчидан давлат кўригидан, хизмат кўрсатиш ва бошқа ишларни ўтказиш учун ечиб олинган ҳисобга олиш ускунасининг ўрнига зудлик билан "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ маблағлари ҳисобидан бошқа кўриқдан ўтган ҳисобга олиш ускунасини ўрнатилади.

ошириш учун бериладиган Жамғарма кредитлари бўйича "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ олдидаги мажбуриятлари юзасидан белгиланган тартибда давлат кафолатларини бериш ваколати берилсин. Бунда давлат кафолатлари "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ томонидан кредитларни қоплаш даврида уларнинг пул маблағларини бошқариш ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига топшириш орқали берилсин. 8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзинжириринг" Республика лойиҳа институти "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини киритсин. Жамғарма, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ, "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖга Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари тасдиқланганига қадар контрактлар доирасида товарларнинг харидини ва бажариладиган ишларни 2018 йил 1 февралга қадар молиялаштиришга рұхсат берилсин. 9. "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ ва "Тошеlectroapparat" МЧЖ ХК 2022 йил 1 январга қадар контрактларга мувофиқ ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни, бутловчи бўйлар, хом ашё ва материалларни олиб кирганлик учун боғжона тўловлари тўлашдан (боғжона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан муҳтосно), шунингдек, Лойиҳани амалга ошириш доирасида қўшимча қўймаёт солиғидан озод қилинсин. 10. "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ Бюро билан биргаликда бир ой муддатда электр узатиш линиялари ва газ қувурларини модернизация қилиш бўйича давлат дастурлари амалга оширилишини, электр ва газ таъминоти инфратузилмасининг амалдаги ҳолатини, шаҳарлар ва вилоятлар марказларининг устуворлигини инобатга олган

ҳолда, ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни ўрнатиш жадвалини тасдиқласин. 11. Республика ҳудудига Лойиҳанинг техник параметрларига мос келмайдиган ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни олиб кириш таққилансин. 12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ билан биргаликда яратиладиган Коммунал хизматлар ягона биллинг тизимининг Лойиҳа доирасида ўрнатиладиган дастурий маҳсулотлар билан биллинг тизимининг электр энергияси ва табиий газга оид қисминини ишлаб чиқишга "Sagemcom" компаниясини жалб этган ҳолда мослигини таъминласин. 14. "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ "Ўзэлтехсаноат" АЖ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда хорижий компания иштирокида, шу жумладан, "Ўзэлтехсаноат" АЖ корхоналарини кооперация асосида жалб этган ҳолда ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни ишлаб чиқаришни, шунингдек, Лойиҳани техник қўллаб-қувватлаш бўйича хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш юзасидан тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин. 15. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Лойиҳа ва контрактларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин. 16. "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ бюртмалари бўйича: Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий

мутахассисларга кириш визаларини расмийлаштиришни; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кўп мартали кириш визалари берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинча рўйхат расмийлаштирилиши (узайтирилишини) таъминласин. 17. Лойиҳанинг тўлиқ ва ўз муддатида амалга оширилиши, шу жумладан, тасдиқланмайдиган лойиҳа параметрларига эришиш юзасидан шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. С. Султонов, "Ўзбекэнерго" АЖ (У. М. Мустафоев) ва "Ўзтрансгаз" АЖ (А. С. Мустафоев) раҳбарлари зиммасига юклансин. 18. Қўйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Газ таъминоти тизимида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2907-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги "Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3060-сон қарорининг 6-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин. 19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И. Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2017 йил 13 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИЙ ГАЗ НАЗОРАТИ ВА ҲИСОБИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Электр ва газ таъминоти соҳасидаги тизимли муаммоларни самарали ҳал этмасдан туриб иқтисодий тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасини кенгайтириш, ишчанлик фаолиги ва мамлакатнинг инвестициявий жазибдорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини яқширатиш мумкин эмас. Шу муносабат билан, кейинги йилларда республикада электр ва газ таъминоти тизимининг инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш, энергия ресурслари истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда назорат ва ҳисобга олишнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги сабабли электр ва газ таъминоти корхоналари фаолиятида доимий охиб борувчи қарздорлик юзага келишига, энергия ресурслари етказиб беришда минтақа узилишларга ва тармоқ корхоналарининг оғир молиявий аҳволига олиб келган қўллаб-қўллай камчиликлар тўпланиб қолган. Электр ва газ таъминоти корхоналари назоратчиларнинг ҳаракатсизлиги ҳамда улар ўртасида суистеъмолчилик ҳолатларининг кенг тарқалганига юзага келган вазиятнинг осий сабаблари ҳисобланади. Қарздорликнинг йиллик микдори ва уни ўндириш учун зарур ходимларнинг мавжудлигига қарамасдан,

"Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ корхоналари томонидан етарли даражадаги ундирув таъминланмаган. Электр узатиш линиялари ва газ қувурларини комплекс модернизация қилиш борасида етарли ишлар амалга оширилмаган. Қўп йиллар давомида энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини (ЭНХАТ) жорий этиш бўйича бир неча бор чоралар қўрилган бўлса-да, мазкур йўналишдаги ҳеч бир лойиҳа яқинга етказилмаган, бу, ўз навбатида, энергия ресурслари истеъмолининг ҳаққоний ҳисоби ва назоратини ташкил этишга, шунингдек, талон-тороҳ ҳолатлари ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга жуда салбий таъсир қилган. Масалан, энергия ресурслари абонентлари умумий сонининг атиги 2,6 фоизи ЭНХАТда ишлайдиган электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари билан жиҳозланган, 40 фоизи ташқи таъсирдан ҳимояланган эскирган ҳисоблаш ускуналарини фойдаланади, 48 фоизи ЭНХАТга мос келмайдиган турли модификациядаги ҳисоблаш ускуналарига эга, шунингдек, 9,4 фоизда энергия ресурсларини ҳисоблаш ускуналари мавжуд эмас. Мавжуд камчиликларни бартараф қилиш ҳамда энергия ресурслари истеъмоли соҳасида бошқарув, назорат ва ҳисобот тизимини, шунингдек, тўлов интизомини тубдан яхшилаш

мақсадида жорий йилда мазкур соҳани ташкилий-ҳуқуқий такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳуқуматининг қатор қарорлари қабул қилинди. Хусусан, Мажбурий ижро бюроси ташкил этилиб, юзага келган вазиятни жадвал суратларда яхшилаш бўйича комплекс чоралар қўрилганлиги, шу жумладан, 2,6 миллиондан ортиқ турар ва нотурар объектлар инвентаризация қилинганлиги, энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ қўллаб-қўллай ҳуқуқбузарликлар аниқланганлигини таъкидлаш лозим. Бюро ҳузурида энергия ресурслари истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг, ижро иш юртувининг шаффофлиги ва тезкорлигини, шунингдек, тегишли масалалар бўйича идораларга ҳамкорлик самарадорлигини таъминловчи Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш маркази ташкил қилинди. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши билан ЭНХАТни янада жорий этиш юзасидан тақлифлар тайёрлаш бўйича Ишчи комиссия тузилди. Ишчи комиссия томонидан қатор етакчи хорижий компаниялар билан республикада ЭНХАТни жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан тўридан-тўғри музокаралар ўтказилди. Музокаралар жараёнида эришилган келишув-

ларни амалий рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадвал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, дастлабки босқичда 2 миллион дона электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек, дастурий таъминот, қўшимча асбоб-ускуна, бошқа зарур техника воситалари харид қилинади. Шунингдек, яқин келажақда республикада хорижий компания иштирокида оқорида қўрсатилган ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни маҳаллий ишлаб чиқариш ташкил этилади. Бир ой муддатда электр узатиш линиялари ва газ қувурларини модернизация қилиш бўйича давлат дастурлари амалга оширилишини, электр ва газ таъминоти инфратузилмасининг амалдаги ҳолатини, шаҳарлар ва вилоятлар марказларининг устуворлигини инобатга олган ҳолда, ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни ўрнатиш жадвалини тасдиқлаш режалаштирилади. Қарорга мувофиқ, лойиҳа доирасида ўрнатиладиган ҳисобга олиш ускуналарининг давлат кўриги "Ўзстандарт" агентлиги томонидан ҳар 10 йилда амалга оширилади, ҳисобга олиш ускуналарини давлат кўригига

топшириш бўйича ишларни ташкил этиш эса "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ ва Бюро томонидан таъминланади. Бунда истеъмолчидан давлат кўригидан, хизмат кўрсатиш ва бошқа ишларни ўтказиш учун ечиб олинган ҳисобга олиш ускунасининг ўрнига зудлик билан "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ маблағлари ҳисобидан бошқа кўриқдан ўтган ҳисобга олиш ускунасини ўрнатилади. Таъкидлаш керакки, фақат охириги 2 йилда реал кўрсаткичларни юқори даражада (20 фоизга) бузиб акс эттирадиган 24,4 миллион АҚШ доллари қийматидagi 410 мингдан ортиқ эскирган ҳисоблаш ускуналари мамлакатга олиб қилинган. Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида қарор билан бундан буён республика ҳудудига лойиҳанинг техник параметрларига мос келмайдиган ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни олиб кириш таққиланди. Қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг самарадорлиги энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимини модернизация қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатларининг ўз вақтида олдини олишни ва умуман, тармоқни жадвал ривожлантириш тизимлайди.

Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Марказий Осиё:

УМУМИЙ КЕЛАЖАК УЧУН МАСЪУЛИЯТ

⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Минтақа давлатлари ўртасида сиёсий ишонч юксалди. Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятида, авваламбор, ишончсизлик, зиддият ва миллатлараро низолар манбаларига барҳам беришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз ўртасида чегаралар очилапти. Масалан, биргина ўзбек-киргиз чегарасидаги "Дўстлик" назорат-ўтказиш пункти очилишининг биринчи кунидек чегарадан беш минг нафардан зиёд одамлар ўтди. Ўзбекистон Президенти конференцияда алоҳида урғу берганидек, йил бошидан буён Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан товар айланмаси ўртасида 20 фоиз, айрим давлатлар билан эса қарийб 70 фоиз ўсди. Узаро муносабатларимиз тарихида биринчи марта бизнес форумлари ўтказилди. Натжидада 1,5 миллиард долларлик битимлар имзоланди. Бу улкан тарихий марралардир. Конференцияда минтақавий барқарорлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш, сувдан оқилона фойдаланиш ва экологик, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш соҳаларидаги алоқалар масалалари бўйича очик фикр алмашилди. Иштирокчилар Афғонистондаги тинч сиёсий жараёни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани қайта тиклашга ёрдам бериш,

мамлакатнинг дунё иқтисодий муносабатларига фаол интеграция қилинишига қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашди. Терроризмга қарши курашишнинг барча жаҳонга бўйича доимий равишда ахборот ва тажриба алмашиш, шунингдек, ушбу йўналишда БМТнинг Глобал аксмиттерор стратегияси ҳамда БМТ Бош қотибининг экстремизмнинг олдини олиш бўйича Харакатлар режаси асосида биргаликдаги чора-тадбирлар ҳамда дастурларни ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Марказий Осиё давлатлари вакиллари ёш авлоднинг турли террористик ва радикал ташкилотлар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймайлик бўйича биргаликда аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш кераклигини билдиришди. Бу борда ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига эътиборни кучайтириш, уларни қимматли инсон этиб воғга етказиш, йигит-қизларнинг ўз салоҳиятини намойён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорликни ривожлантириш лозим. Форум катнашчилари Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида мулоқотни ривожлантириш ва ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича юзага келган жараёнларни янада мустаҳкамлашга тайёрлигини маълум қилишди. Бунда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, савдо ҳамда чегараларро ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт-коммуникация тармоқларини, шу жумладан, янги қўриқлар, автомобиль ва темир йўллари қуриш ҳамда авиақатновларни йўлга қўйиш бўйича биргаликдаги ташаббусларни илгари суриш мумкин аҳамиятга эга. Иштирокчилар яқин қўшничилик ҳамда дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, илм-фан, таълим, технологиялар, инновациялар, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини чўқурлаштиришга қўмаклашишга содиқлигини намойиш этишди. Халқаро конференция катнашчилари БМТ тизимидаги барча

ликда аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш кераклигини билдиришди. Бу борда ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига эътиборни кучайтириш, уларни қимматли инсон этиб воғга етказиш, йигит-қизларнинг ўз салоҳиятини намойён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорликни ривожлантириш лозим. Форум катнашчилари Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида мулоқотни ривожлантириш ва ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича юзага келган жараёнларни янада мустаҳкамлашга тайёрлигини маълум қилишди. Бунда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, савдо ҳамда чегараларро ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт-коммуникация тармоқларини, шу жумладан, янги қўриқлар, автомобиль ва темир йўллари қуриш ҳамда авиақатновларни йўлга қўйиш бўйича биргаликдаги ташаббусларни илгари суриш мумкин аҳамиятга эга. Иштирокчилар яқин қўшничилик ҳамда дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, илм-фан, таълим, технологиялар, инновациялар, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини чўқурлаштиришга қўмаклашишга содиқлигини намойиш этишди. Халқаро конференция катнашчилари БМТ тизимидаги барча

муассасани ва бошқа халқаро ташкилотларни ҳамда Марказий Осиёнинг ҳамкор давлатларига минтақа мамлакатлари билан умумий хавфсизлик ва барқарор тараққиёт масалалари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилди. Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир махсус резолюция қабул қилиш тўғрисидаги тақлифни қўллаб-қувватлашди. Халқаро форум доирасида Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари 2018-2019 йилларда Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастурини имзоладилар. Ушбу ҳужжат анжуманининг амалий натижаларидан бири сифатида ташқи сиёсат маҳкамаларининг кўп томонлама ҳамкорлиги учун асос бўлиб хизмат қилди. Халқаро конференцияда коммоник қабул қилинди. Унда бугунги кунда Марказий Осиё халқларини ўйлантираётган асосий масалалар ўз ифодасини топди. Эътироф этилганидек, минтақадаги сиёсий вазият принципиал ўзгаришларга юз тутди. Конференцияда билдирилган фикр ва мулоҳазаларда "Марказий Осиё — бизнинг умумий уйимиз" ғояси ёрқин акс этди.

Сўз — иштирокчиларга

Қайрат АБДРАХМОНОВ, Қозғоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири: — Биз Ўзбекистоннинг узқон қўллаб амалга ошираётган ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз. Бу эзгу ташаббуслар минтақада хавфсизлик ва тинчликни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур жараёнда Россия, Хитой, АҚШ, Европа иттифоқи сингари ҳамкорларимиз билан муносабатларни кенгайтириш жуда мумкин. Айнан кўп қиррали алоқалар минтақавий хавфсизлигини таъминлашда мумкинроқ ўйнайди. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар экстремизм, глобалнинг тарқалиши, ноқонуний миграциянинг кучайиши ҳамда экологик муаммолар жиддийлашувининг олдини олади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг минтақада маслаҳатлашувларини йўлга қўйиш бўйича ташаббусини Қозғоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев қўллаб-қувватлаб, биринчи учрашуви мамлакатимизда қабул қилишга тайёрлигини билдирди.

Шавкат Мирзиёев минтақадаги бешта мамлакат раҳбарларининг доимий маслаҳатлашуви учрашувларини ўтказиш ташаббусини баён қилди. Бу гоғга анжуманда сўз олган барча экспертлар алоҳида эътибор қаратишди. Конференция мазкур ғояни ҳаётга татиқ этиш имкониятларини юзага чиқарди. Бугун ҳамкорлигимиз тобора чўқурлашиб, янгича мазмун билан бойимокда. Чунки биз келажакка катта умид билан қараймиз. Биз минтақадаги тинчлик ва ҳамкорлик абадий ҳамда мустаҳкам бўлиши учун бундан кейин ҳам барча саъй-ҳаракатларни бирлаштирамиз, маълумотлар алмашамиз, бир-биримизни қўллаб-қувватлаймиз. Лорд Мухаммад Илфат Шайх, Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси: — Форум кўп жиҳатдан Марказий Осиё минтақасини янада ривожлантириш ва қўшни давлатлар ҳамкорлигининг истиқболларини белгилаб беради. Ўзбекистон хавфсизлигини мустаҳкамлаш, минтақада, шу жумладан, Узаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, Афғонистонда сиёсий мулоқотлар билан тинчликка эришиш бўйича қатъий сиёсат олиб бормоқда. Бундай ташаббуслар қўллаб-қувватлаш ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан эътироф этилапти. Мен 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Харакатлар стратегиясини атрофича ўрганиб чиқдим. У Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёти

чўқур ўйланган, Узаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат билан узвий боғланган жиддий ҳужжатдир. Энг муҳими, бундай ёндашувлар бугун ҳаётда ўз амалий ифодасини топмоқда. Филип БЕННЕТТ, Европа тиклиши ва тараққиёт банки бичинчи вице-президенти: — Дунё ҳамжамияти Марказий Осиёга улкан имконият ва ривожланиш минтақаси сифатида тобора катта эътибор қаратмоқда. Бугун минтақада кечаётган жараёнлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, биз келажакка қимматли ишонч билан боқаямиз. Ўзбекистонда қабул қилинган Харакатлар стратегияси улкан мақсадларни қўзғайди. Биз янги кун-гайрат билан ҳаётга татиқ этилаётган ташаббуслардан ҳайратдамиз. Бу ташаббусларни қудратли хусусий сектор қўмағисиз рўёбга чиқариб бўлмайди. Мамлакатда амалга оширилган валюта инфляцияси Ўзбекистондаги ислохотлар муваффақиятига ишончини мустаҳкамламоқда. Биз юртингизда бизнесга маъмурий таъсирни қисқартирини, мулоқотни кучайтириш, суд-ҳуқуқ ислохотларини чўқурлаштириш, боғжона тартиб-таомилларини соддалаштириш, инвестициявий муҳитни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз. Бинобарин, ушбу янгиланган минтақанинг дунё бизнеси учун жазибдорлигини оширади. Ишончим комилки, Ўзбекистон бугун минтақада барқарор тараққиёт мақсадларига эришишга катта ҳисса қўшади. Ўз навбатида, биз ҳам Марказий Осиё мамлакатларини Узаро ҳам-

корлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида қўллаб-қувватлашга тайёрмиз. Рой АЛЛИСОН, Оксфорд университети Сент-Энтони колледжи Россия ва Евросий тадқиқотлари маркази директори (Буюк Британия): — Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳатлашуви механизмининг ташкил қилишга доир ташаббуси халқаро конференция иштирокчилари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Утган дам байинда кўп томонлама алоқалар турли шаклларда олиб борилаётганлиги. Маслаҳатлашувлар минтақа доирасида эмас, балки микросиёсат даражасида эди. Юқори даражадаги маслаҳатлашувлар майдонининг яратилиши хавфсизлик соҳасида минтақавий маданиятни шакллантиришга ёрдам беради. Марказий Осиё мамлакатларининг эксклюзив мулоқоти конкрет миллий манфаатларда ўз ифодасини топади. Минтақа давлатларининг фуқаролик жамияти институтлари ушбу ҳамкорлик алоқалари раванқига катта ҳисса қўиши мумкин. Жон Эдвард ХЕРБЕСТ, Д. Патрициу номидаги Евросий маркази директори, Атлантика кенгаши (АҚШ): — Биз сўнгги 25 йил давомида Марказий Осиё мамлакатлари қандай ривожланганига гувоҳ бўлдик. Минтақа давлатлари катта саъй-ҳаракатлар тўғрисида тинчлик ва барқарорликни сақлаб келди. Бу улкан муваффақият. Ваҳолан-

ки, ўз вақтида ҳудудда муаммолар талайгина эди. Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этилди. Йирқи ядро қуролига эга мамлакатларга қўшни бўлишига қарамасдан, Марказий Осиё ушбу тамойилга содиқ қолимоқда. Истикболда Марказий Осиё минтақада қўшни мамлакатларнинг ҳамкорлиги эвазигагина тараққиёт топиши мумкин. АҚШ бу жараёнда ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр.

Тадамичи ЯМАМОТО, БМТ Бош қотибининг Афғонистон бўйича махсус вакили: — Форум Марказий Осиё давлатларининг барқарор ривожланиши, минтақавий қўллаб-қўллай масалаларнинг ҳал қилиниши, жумладан, Афғонистондаги вазиятнинг тинч йўл билан тартибга солиш учун янги имкониятларни очди. Ўзбекистон ушбу мамлакатда барқарорликни мустаҳкамлаш жараёнида фаол катнашмоқда, муҳим иқтисодий лойиҳалар ташаббускори бўлапти. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан конференцияда илгари сурилган "Марказий Осиё халқаро транспорт йўлакларини тизимида: стратегик истиқболлар ва амалга оширилмаган имкониятлар" мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббуси Афғонистон ҳукумати учун устувор аҳамиятга эга. Транспорт коммуникацияларини такомиллаштириш ҳамда бошқа долзарб лойиҳаларнинг ҳаётга татиқ этилиши Афғонистоннинг иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади, миллатлараро тотувликни қарор топтириш ва минтақада барқарорликни мустаҳкамлаш учун янги истиқболлар очди.



ФАХР

Спортчиларимиз Осиёда биринчи

11-12 ноябрь кунлари мамлакатимиз яна бир нуфузли спорт тадбирига мезбонлик қилди. Гап шундаки, пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қўл жанги федерацияси ҳамда Халқаро қўл жанги федерацияси ҳамкорлигида Осиё очик чемпионати ўтказилди.



Хасан ГАЙДУВОН олинган сурат.

Мазкур спорт тури бўйича 2017 йилнинг сўнгги йирик мусобақаси ҳисобланган қитъа биринчилигида 15 га яқин давлатлардан энг тажрибали қўл жанги усталари катнашди. Ўзбекистон шарафини 34 нафар спортчи ҳимоя қилди. Кескин ва мурасасиз кечган баҳслар якунида вакилларимиз 10 та олтин, 7 та кумуш ҳамда 13 та бронза медаль билан тақдирланишди ва умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

— Мамлакатингизда спортни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида кенг маълумотга эга бўлдим, — дейди Халқаро қўл жанги федерацияси президенти Сергей Астахов. — Қўркам ҳамда замонавий спорт иншоотлари қад ростлаб, зарур инфратузилма яратилган. Ўзбекистонлик атлетларнинг кўплаб нуфузли мусобақаларда муваффақиятли қатнашаётгани замирида ҳам ана шу улкан эътибор мўжассам, десақ, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Осиё очик чемпионатида ҳамюртларимиздан Рамазон Темиров, Олимжон Нормуродов, Муҳиддин Мамажонов, Жаҳонгир Жумаев ва Ботирбек Хўжабеков олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, Хусниддин Сатторов, Ғиёсиддин Жамолитдинов, Элбек Эшмуродов, Салоҳиддин Иброҳимов, Илгор Асадов кумуш, Шаҳбоз Турсунов, Равшан Абдулазизов, Алпомиш Курбонназаров, Элдор Сулаймонов, Ҳасан Бозоров, Баҳром Маҳмуродов бронза медалга сазовор бўлди.

Хотин-қизлар ўртасида Зарина Олимжонова, Мафтуна Қувондиқова, Шоҳида Раҳимова, Шаҳноза Низомова, Мадина Эргашева ўз вази тоифасида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Терма жамоамиз аъзоларидан Нозима Умарова ҳамда Робия Қўчқорова иккинчи, Мафтуна Ёдгорова, Севара Мардонова, Ҳилола Каримова, Дилафруз Турсунбоева, Мафтуна Эсонова, Зилола Тешаева ва Наталия Қодирова учинчи ўриндан жой олди.

Исроил Мадримов — ЭНГ ЯХШИ БОКСЧИ

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри бокс бўйича халқаро турнирга мезбонлик қилди.

"Динамо" спорт мажмуасида ташкил этилган мусобақада вакилларимиз муносиб катнашди. Жумладан, 75 килограмм вази тоифасида баҳс олиб борган тажрибали боксчиси Исроил Мадримов мезбонлардан Т. Қазиев, Я. Зуберни ва И. Иваненкони мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. Қолаверса, И. Мадримов мусобақанинг энг яхши боксчиси, дея эътироф этилди.

Яна бир истеъдодли спортчимиз Шунқор Абдурашулов (60 килограмм) ҳам барча рақибдан устун келиб, биринчи ўринни эгаллади. Вазни 91 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасида Санжар Турсунов кумуш медалга эга чиқди.

Омонулло ФАЙЗИЕВ.

ЯНГИЛИК

Тошкент шаҳри тобора чирой очиб бормоқда. Илм-фан тараққиёти, замонавий технологиялар туфайли эса аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳам тақомиллашаётганини сезиш қийин эмас.

Йўловчи беҳуда вақт йўқотмайди

Масалан, гоҳида сиз чиқадиغان автобус бекатга етиб келганингиз заҳоти эндигина жўнаб кетган бўлади. Кейингиси келгунича орадан анча вақт ўтади, бунинг устига, борар манзилнингизга кеч қолаёсиз, беҳуда ўтаётган вақт туфайли асабийлашинингиз табиий. Энди бундай ҳолатларни бартараф этишнинг оқилона усули топилди. Йўловчилар пойтахтимиздаги белгиланган йўналишдаги автобуслар ҳаракати, уларнинг зарур бекатга келиш вақти, оралик масофаси, ҳаракат тезлиги ҳақидаги маълумотларни "My Bus Tashkent" янги мобил иловаси орқали билиб олишлари мумкин. "Бекатлар каталоги" танланган бекат орқали ўтадиган маршрутларни аниқлашга ёрдам беради. "Қидирув хизмати"дан фойдаланиб давлат рақамини билиш ёки "Қидирув сатри"га бекат номини ёзган ҳолда автобусни топиш мумкин. Бундан ташқари, "Жойлашу" тугмаси йўловчига энг яқин бекатни кўриш имконини беради.

Янги илова билан пойтахтимиз автобус йўналишлари қамраб олинмоқда. Уни мобил алоқа воситасига «Google Play» орқали қўчириб олиш мумкин. Шойим БЎТАЕВ.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

узок умр кечирининг энг муҳим шартидир

Тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш касаликларнинг олдини олишда энг асосий омил ҳисобланади. Хусусан, асримизнинг глобал муаммоларидан бири — қандли диабет хасталиги профилактикасида ҳам айни шу жиҳатлар муҳим ўрин тутди.

ДИАБЕТГА ҚАРШИ ҚУРАШ ОЙЛИГИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, айни пайтда дунёда 415 миллион нафардан ортиқ одамлар қандли диабетдан азият чекмоқда. Агар унга қарши ўз вақтида самарали чоралар кўрилмаса, муаммо кенг тус олиши мумкин. Хабарингиз бор, бутун дунёда 14 ноябрь — Халқаро диабетга қарши курашиш кўни" сифатида белгиланган. Бизда эса ноябрь охири диабетга қарши кураш ойлиги, деб қабул қилинган. Шунга асосан, Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳар йили ушбу сана мусобақати билан аҳоли ўртасида қатор хайрия тадбирларини уюштилади. Яъни мамлакатимизнинг барча ҳудудда учрашувлар, давра сўхбатлари, семинар-тренинглар ҳамда очик мулоқотлар ташкил этилади. Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами марказимизда чуқурлаштирилган текширувдан ўтказилиб, керакли маслаҳатлар берилади.

Қандли диабет келиб чиқилиши асосий омил, бу — генетик мойилликдан ташқари, нотўғри овқатланиш ва кам ҳаракат қилишидир. Қундалик овқатланиш тартибининг бузилиши, жумладан, таомлар таркибида оқсил, ёғ ҳамда углеводларнинг мезъридан ошиб кетиши вази ортишига сабаб бўлади. Бу, ўз-ўзидан, жисмоний фаолликнинг сусайишига олиб келади. Натижада меъда ости бези фаолияти издан чиқиб, инсулин етишмовчилиги юзага келиши мумкин. Маълумки, инсулин ёрдамида инсон организмидеги ҳар бир ҳужайрага глюкоза етказиб берилади. Глюкозанинг ҳужайралар таркибига сингиш ўрнига қон ва пешоб билан ажралиб чиқиши, табиийки, уларнинг аста-секин емирилишига олиб келади. Беморда қувватсизлик, оғиз қуриши, вази камайиши, қўз жиралашиши, баданга игна санчилаётгандек бўлиши каби алломатлар пайдо бўли бошлайди. Ана шундай белгилар сезилиши билан дарҳол шифокорга мурожаат этиб, қондаги қанд миқдорини текширтириш лозим. Зеро, бемор ўз саломатлигини доимий назорат қилиб борса, шифокор тавсиясига риоя этган ҳолда, соғлом турмуш тарзи қоидаларига амал қилса, соғлом кишилар сингари узок умр кўриши мумкин.

Йилига бир маротаба тиббий кўрикдан ўтиб туриш хасталикнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Марказий Осиёда ягона саналган шифо масканимизда эндокрин хирургия, диабетология, болалар эндокрин хасталиклари, оёқ тўғри диабет, репродуктив эндокринология, диабет нефропатияси йўналишларида, шунингдек, нейрореналди касаликларни даволаш ҳамда ташхислашда ижобий натижаларга эришилаётди. Марказинг маслаҳат ташхис поликлиникасига мурожаат этганлар нафақат эндокринолог, балки бошқа бир қатор етакчи мутахассислар кўригидан ўтиб, тиббий маслаҳатлар олишлари мумкин. Бунинг учун шифо маскани-

мизда барча замонавий техник имконият мавжуд. Яъни гормонал, биохимий, иммунологик, гистологик лаборатория таҳлиллари, УТТ, ЭКГ, РЭГ, рентген, синтиграфия сингари энг сўнгги рўсумдаги тиббий ускуналарга эгамиз. Энг муҳими, марказ мутахассислари АҚШ, Россия, Корёя Республикаси, Хиндистон сингари давлатларнинг етакчи клиникаларида малака ошириб, хорижлик ҳамкасблари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб боришяпти. Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази қандли диабет билан касалланган беморлар ва ногиронларнинг "Умид" хайрия жамоат бирлашмаси билан ҳамкорликда Халқаро диабетга қарши курашиш кўнига бағишлаб Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши ҳамда Урганч шаҳарларида қандли диабетга чалинган 600 нафар беморни бепул тиббий кўриқдан ўтказишни режалаштирган.

Феруза ХАЙДАРОВА, Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори ўринбосари.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

Аҳолининг алоқа хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш, мамлакат иқтисодийетини бошқариш учун хизмат қилаётган магистраль алоқа линиялари тармоғи муҳофазасини таъминлашинингизни сўрайди.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдати 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ, магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига руҳсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:
• руҳсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
• магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
• магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни қўрсатувчи оғоҳлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчалик билан қўчириш, синдириш, қўмиб юбориш;
• турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
• магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасига қудуқлар қазихи, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
• турли-туман чикиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
• магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулхан ёқиш КАТЯНИН ТАКИҚЛАНДИ.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазихи, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда ФАКАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазихи, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.



ЭСДА ТУТИНГ! Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазихи ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати тўғрисида, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалани «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг худудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабелли трассаси белгисига кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғлиқ телефон рақамлари:

- «ТТТ» филиали Биринчи боғламаси (0-599) 846-84-04, 858-84-04, Тошкент ш., Қозиларов к., 29-уй (0-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи линия кабель цехи (0-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00)
Иккинчи линия кабель цехи (0-595) 199-19-32, 199-19-31
Тошкент шаҳар кабель участкаси (0-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00)
Хуштепа 4-тор к., 4-уй, (0-595) 199-19-34
Пахта кабель участкаси (0-595) 199-19-36
Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй (0-595) 177-06-88
Учинчи линия кабель цехи Нурафшон ш., Спорт к., 45-уй (0-595) 177-02-68
Ангрэн шаҳар кабель участкаси Амир Темур к., 2-уй (0-595) 177-06-64
Бекобод шаҳар кабель участкаси Х. Ходжимуродов 2-берк к., 18-А-уй (0-595) 177-06-64
«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси (0-595) 400-03-79, 400-03-84 Кўҳон ш., Янги Чорсу к., 264-уй (0-373) 554-42-42 (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи кабель участкаси (0-373) 542-34-17, 542-21-66
Иккинчи кабель участкаси (0-373) 529-24-55 (соат 8.00 — 17.00)
Иккинчи кабель участкаси (0-590) 556-05-58, (0-595) 402-02-48
Учинчи кабель участкаси (0-595) 400-03-98, (0-595) 402-02-46
Тўртинчи кабель участкаси Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора (0-374) 223-83-81 (соат 8.00 — 17.00)
Андихон ш., Чўлпон к., 9-уй (0-595) 280-02-31
«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси (0-595) 142-08-49, 510-10-09 Гулистон ш., Мирзабод тумани, Пиллақор кўргони Тўқсан хўжатлар гуруҳи (0-367) 227-16-20 (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи линия кабель цехи (0-595) 510-10-17, (0-367) 227-00-44
Сирдарё кабель участкаси (0-595) 510-10-04
Иккинчи линия техник цехи (0-595) 510-10-27
Учинчи линия техник цехи (0-372) 222-95-07 (соат 8.00 — 17.00)
Жиззах ш., Халқлар дўстлиги к., 9-уй (0-595) 510-95-26
Кабель участкаси Даштоқ ш., Дўстлик к., Алоқа уйи
«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси (0-595) 177-50-05, 507-77-59, 500-19-07 Булуғур ш., Самарқанд к., 18-уй (0-366) 442-68-03 (соат 8.00 — 17.00)
«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси (0-595) 600-09-32, (0-593) 687-69-98 Бухоро ш., Ғийдувон к., 69-уй (0-365) 221-81-96 (соат 8.00 — 17.00)
Линия кабель цехи (0-365) 223-38-37, (0-595) 600-60-15 (0-365) 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00)
«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси (0-595) 601-11-85, 601-14-97 Нукус ш., Ашқобод к., 1-уй (0-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00)
Тўрткўл кабель участкаси (0-595) 601-43-86
Тўрткўл кабель участкаси (0-595) 601-43-84
Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси
Кўнгирот кабель участкаси (0-595) 601-43-67
Кўнгирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси
Жаслик кабель участкаси (0-595) 601-05-28, Кўнгирот тумани, Жаслик аҳоли пункти, Тулей стан-си
«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси (0-595) 501-11-02, 501-46-36 Термиз ш., Тараққийт к., 32-уй (0-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00)
Линия техник цехи (0-376) 224-07-65, (0-595) 501-01-64
Денов ш., Ш. Темиров к., 4-уй (0-376) 413-17-71, 224-22-11, 223-15-34
«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси (0-599) 665-05-41, 665-52-62 Қарши ш., Хуснобод к., 1-уй (0-375) 221-02-41 (соат 8.00 — 17.00)
1-Линия техник цехи (0-375) 221-17-25,
Қарши ш., Хуснобод к., 1-уй (0-595) 505-05-23
2-Линия техник цехи (0-375) 505-05-13, (0-595) 506-81-68
Ғузор ш., Гулзор к., 23-уй (0-375) 552-11-67
«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси (0-595) 602-22-18, 602-22-13, 602-18-05 Урганч ш., Дўсок к., 2-уй (0-362) 223-36-58, 224-51-69 (соат 8.00 — 17.00)
«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси (0-595) 603-07-38, (0-598) 278-07-01 Навоий ш., Салдат к., 2-Б-уй (0-595) 610-07-05, (0-436) 224-74-21
Биринчи линия техник цехи (0-595) 603-33-19, (0-366) 455-24-54
Каттакўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи
Биринчи кабель участкаси (0-595) 603-33-25
Ғийдувон ш., Фовшон қишлоғи
Иккинчи кабель участкаси (0-595) 603-12-84, (0-436) 593-09-35
Учкудук ш., ДЭУ кўргони
Нурота кабель участкаси (0-595) 603-31-32, 610-69-89
Нурота ш., Ш. Рашидов к., 32-уй

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 74 524 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТАШРИФ БУЮРИНГ! 2017 ЙИЛ 15 — 17 НОЯБРЬ Тошкент, «Ўзэкспомарказ». ITE Uzbekistan. ON-LINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буоқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.00. Топширилди — 23.30 1 3 4 5 6